



Уйгур халки йигирманчи асрнинг биринчи ярмида икки марта мустакил давлат курганлиги ҳамда бу давлатни “Шаркий Туркистон жумхурияти” деб атаганлиги ҳеч ким кўз юма олмайдиган тарихий ҳақиқатдир.

Тарихий маълумотларга кўра, 1931 йили уйгур халкининг кенг кўламлик миллий озодлик кўзголови Кумул тоғларида бошланди. Хўжа Ниёз Хожим бошчилигидаги бу кўзголон галабалари кенгайиб, уйгур давлатининг бошқа ҳудудларига ҳам кучли таъсир кўрсатиш билан халкнинг озодликка ва мустақилликка интилишини кучайтирди. Натижада Хўтан халки Муҳаммад Амин Бугронинг раҳбарлигида 1933 йил феврал ойининг 13 куни кўзголон кўтариб, апрел ойининг 11 куни Хўтан ҳукуматига асос солди. 1932-33 йиллари Турфан, Куча, Оксу ва Кашгар каби бир қатор жойларда кўзголонлар кўтарилиб, бу жойлардаги Хитой ҳукмронлиги ағдарилиб ташланди ва ҳокимият кўзголончилар қўлига ўтди. Хўжа Ниёз Хожим ва Махмуд Мухитийлар бошчилигидаги Кумул Турфон кўзголови Тангри тоғнинг жанубий тарафларигача ёйилди. Мана шу шароитдан фойдаланиб, Собит Домулла бир қисм қўшин билан Хўтандан Кашгарга Шаркий Туркистон жумхуриятини барпо қилиш учун келади ва жиддий тайёргарликдан кейин 1933 йили 12 ноябр куни “Шаркий Туркистон истиклол жамияти”ни ташкил қилди. Шаркий Туркистон Ислоҳ Жумхурияти уйгурларнинг давлат қуриш томон дастлабки қадами ва бу соҳада илк тажрибаси эди. Мазкур мустақил ҳокимият ўз сиёсий қонуни, давлат дастури, давлат байроғи, герби каби бир қатор давлатчилик тимсолларига ҳамда ўн олти вазирликка эга бўлиб, Хўжа Ниёз Хожим президент ва Собит Домулла Бош вазир вазифасига тайинландилар. Мазкур жумхурият гарчи уч ой мавжуд бўлиб турган бўлсада, у бир қатор ишларни қилишга улгурди ва кўплаб режаларни амалга оширишга ҳаракат қилди. Аммо ёш ҳокимият ташки сиёсат жиҳатидан Совет иттифоқининг аралашishi, ички жиҳатдан эса Ма Чўнг тарафдорлари бўлган тунгони қурулми кучларининг бевосита ҳарбий ҳужуми каби мураккаб ички низолар сабабидан ағдарилди. Бир томондан Совет иттифоқининг “эзилган миллатларнинг озодлик чиқишларига ёрдам бериш” шиорларига, бошқа томондан эса Совет иттифоқининг вакили Шанг Шисайнинг ваъдаларига ишонган Хўжа Ниёз Хожим бошлик бир қатор арбоблар Урумчига келиб Шанг Шисай бошчилигидаги ўлка ҳукуматига қатнашди. Бу уйгур сиёсий тарихидаги илк бирлашма

хукумат бўлиб, Хўжа Ниёз Хожим ўлкага муовин раис бўлиб, бошқа бир қисм кўзголон раҳбарлари бир қанча назорат, идора, вилоят ва туманларнинг раҳбарлик вазифаларига эришди, яъни бошқариш тизимида қатнашди. Ниёз Хожимга ўлканинг муовин раислик лавозимини бериши уйғурларни ҳокимиятни идора қилишларига ёки уларга муҳим ҳуқуқларни тақсим қилишни ўйламаган шовинист хан ҳукмронлигининг тарихида биринчи марта уйғурларга юқори лавозим бериши эди. Бирок бу кўпга бормади: 1937 йилдан кейин уйғур халқи Совет иттифоқининг ёрдамида Шанг Шисай мустабид ҳокимияти томонидан яна бир марта қонлиқ бостирилишига дучор бўлди. Хўжа Ниёз Хожим ва бошқалар Шан Шисай билан иттифоклашган уйғур ва бошқа қардош миллатларнинг вакиллари Шан Шисай вакиллигидаги босқинчиларнинг ваъдасига вафо қилмай, қайта зулмига учрадилар. Натижада уйғур ва бошқа қардош халқлар иккинчи бор қенг қўламлик миллий озодлик кураш майдонига ўзини олди. Гарчи 1933 йилда асос солинган Шарқий Туркистон ислом жумҳурияти қиска умр сурган бўлсада, унинг руҳи, анъанаси ва ой юлдузлик байроғи 1944 йилнинг 12 ноябрга мерос бўлиб қолган эди. Тарихий маълумотларга қараганда, 1944 йили июль ойида Нилки атрофидаги Уластай тоғларида Фотих, Гани, Акбар, Рафик, Сайит, Нурум, Усмон ва Ҳамит каби ботирларнинг бошчилигида кўзголон бошланиб миллий озодлик инқилоби Или тоғларигача қенгайди. Гоминдан ҳукумати тарафидан “олти ўғри” деб аталган уйғур, қозоқ ва татарлардан тарқиб топган мазкур қуроллик партизан қўмондонларининг номи тез орада Или воҳасига ва бошқа жойларга ҳам тарқалиб, уларнинг қўшини қенгайиб, 7 октябрь куни Нилки шаҳри улар тарафидан озод қилинди. Шарқий Туркистон Жумҳурияти ҳукуматининг бош қотиби ҳамда озодлик ташкилотининг аъзоларидан бири бўлган марҳум Абдурауф Маҳсим Ибраҳими 2001 йили 17 апрелда зиёрат қилганимизда “Озодлик ташкилоти” ва жумҳуриятнинг қурилиш масалалари ҳақида сўзлаб берган эди. Унинг айтишича, Нилки партизанлари жиддий ҳаракат қилган вақтда 1944 йили апрел ойида Гулжа шаҳрида асос солинган “Озодлик ташкилоти” маҳфий турда Гулжа кўзголонига тайёргарлик қилган эди. Нилки озод қилинганидан кейин Гани ва Фотих ботирлар бошчилигидаги Гулжа халқи Нилки кўзголончиларини асос қилган ҳолда 7-12 ноябр кунларидаги кўзголон давомида Гулжа шаҳридаги Ҳарамбоғ, Лянгшонг ва бошқа ҳудудларни озод қилиш натижасида бутун шаҳарни озод қилди. 1944 йили 12 ноябр куни Алихон тўра бошчилигидаги “Озодлик ташкилоти” уйғур, қозоқ ва қирғиз клубида мажлис ўтқазиб, Шарқий Туркистон Жумҳурияти муваққат ҳукуматини қурганлигини эълон қилди ҳамда Шарқий Туркистон Жумҳуриятининг ой юлдузлик байроғини олди. Мажлисда Шарқий Туркистон жумҳурияти ҳукуматининг аъзолари тайинланди. Шарқий Туркистон жумҳурияти ҳукуматида Алихон тўра раис, Ҳакимбек хўжа раис муовини, Абдурауф Маҳсим бош қотиб ва бошқа 16 киши ҳукумат аъзолигига сайланиб, бошқа вазирликларни таъсис қилиш хизмати бошланди. Маориф, қорва ва ўрмончилик, диний ишлар, ички ишлар, бож ва қорвачилик каби бир қатор вазирликлар ташкил қилиниб, масъуллар тайинландилар. Шундан сўнг Шарқий Туркистон Жумҳурияти ҳукуматининг раҳбарлигида Или халқи умумий кўзголон қўтариб, тезда Илани озод қилди. 1945 йили 8 апрелда эса Шарқий Туркистон ўз миллий армиясини ташкил қилди. Асоси уйғурлардан иборат бўлган ва бошқа миллат ўғлонларидан тузилган замонавий, мунтазам ва жанговар миллий армия июн ойидан бошлаб ўқ йўналиш бўйича ҳужумга ўтиб, Тарбағатой ва Олтой вилоятларини ҳамда Оксу, Ёрканд вилоятларининг бир қисмини озод қилди. Бирок, 1945 йил октябрида Шарқий Туркистон жумҳурияти ҳарбий-сиёсий жихатдан қўллаб-қувватлаб қолган Совет иттифоқининг босими остида миллий армия ҳужумини

тўхтатишга мажбур бўлди. Москванинг кўрсатмаси ва босими остида ўтган Шаркий Туркистон Жумхурияти ва Хитой Гоминдан марказий ҳукумати ўртасида тинчлик музокараларининг натижасида бирлашма ҳукумат ташкил қилиниб, Шаркий Туркистон тарафидан Ахмаджон Косимий бирлашма ҳукуматга раис муовини бўлди. Бир йилга яқин Хитой марказий ҳукумати ва кўзголончилар тузган тинчлик келишими асосида ташкил қилинган бирлашган ҳукумат мавжуд бўлиб, сиёсий кураш авж олган ва мазкур ҳукуматнинг бузишига олиб келган эди. Ахмаджон Косимий бошчилигидаги жумхуриятнинг бирлашма ҳукуматга қатнашган вакиллари Гулжага қайтиб кетди. Шунингдек Манас дарёси Урумчи ҳукумати билан Или ҳукуматининг чегараси масаласи катори олдинги сафга чиқиб, икки тараф қўшинлари жиддий уруш ҳолатига кирдилар ва бир бирига қарама-қарши бўлдилар. 1947 йили Ахмаджон Косимий инқилобнинг раҳбарлигига тайинлангандан бошлаб, 1949 йилнинг охиригача бўлган вақтда собик Шаркий Туркистон жумхурияти Или ҳукумати номи остида мустақил ҳокимият сифатида ўзининг аввалги мавжудлигини сақлаб қолди. Айти пайтда Урумчидаги Хитой ҳукумати билан ҳарбий-сиёсий, иқтисодий ва бошқа жихатлардан алоқаларни сақлаб қолди. Или ҳукумати бу жараёнда ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ва бошқа жихатларидан тараккиёт ва қучайиш босқичларини бошидан кечириб, Хитой

Гоминдан ҳукмронлиги остидаги етти вилоятда устун турмуш савияси ва иқтисоди, маориф афзаллигини яратди ва уйғурларнинг замонавий давлатчилик гоёси ва асосини тузди. Шунингдек уйғурларнинг юқори савияда ўзини-ўзи идора қила олишлигини ҳамда ҳокимиятни ҳар жихатдан гуллаб-яшнатиш иқтидорига эга эканлигини намоён қилиб, уйғурларнинг давлатчилик роли ва иқтидорини камситувчиларга раққия жавобини берди.

Бирок, 1949 йили дунёдаги вазият, совук муносабатлар ва Хитойдаги умумий вазият ўзгарди. Сталин ҳукумати Хитой коммунистлари билан ошқора ҳамкорлашиш ҳамда Хитой коммунист ҳокимиятини ёллаш ва ёрдам бериш орқали янги коммунист Хитойни социализм лагерининг муҳим аъзоси сифатида Америка бошлиқ Ғарб давлатлари билан бўлган қурашда таянч қуч қилиб фойдаланиш стратегиясини танлади. Натижада, Сталин ҳукумати Шаркий Туркистон масаласини Хитойнинг ички иши тариқасида бартараф қилишга рози бўлди. Айти пайтда Хитой коммунистларининг Хитой халқ жумхуриятининг қурилишини тезда эълон қилиб, бунинг учун Или ҳукумати ва Урумчи ҳукуматининг хитой коммунист ҳокимиятига бўйсунуши йўлида ҳаракат қилди. Москва Хитой коммунистларининг вакили Дан Личуннинг Гулжага бориб, Или вакиллари билан сўзлашиши ва унинг яна махфий турда Урумчига бориб, Бурхон шаҳид ва Тав Сийо қаби Гоминдан ҳарбий-сиёсий раҳбарларининг коммунистларга таслим қилишга шароит яратди.

Хитой ва собик Совет иттифоқи ҳукуматларининг расмий ҳужжатларига қаралса, Ахмаджон Косимий ва Исхоббек Мунооф қаби раҳбар шахслар 1949 йили 27 август қуни Пекинда ечиладиган Хитой давлат қурилиш сиёсий кенгашда қатнашиш учун қилаётган сафар чоғида Совет иттифоқи ҳудудида юз берган самолёт ҳодисасида қазо топдилар. Бирок, яқингача бу ҳақда изланиш олиб борган рус тарихчилари, Шаркий Туркистон ҳукуматида муҳим раҳбарлик вазифаларда ишлаган қишилар ҳамда Совет иттифоқининг Гулжадаги махфий ҳодимларининг Алматидаги уйғур фаолларига сўзлаб берган

сўзларига таянганда, Ахмаджон Косимий Шаркий Туркистон Жумхуриятининг харбий-сиёсий раҳбарлари уйгур элининг сиёсий тақдири масаласида Совет ҳукумати ўтказган мунозаралар жараёнида ўз фикрида каттиқ туриб, Москванинг таклифини рад қилганлиги сабабидан Совет хавфсизлик хизматлари тарафидан суиқасд қилинган. Шундан кейин Или ҳукумати яқсон қилинди ва 1949 йил октябр ойида Хитой озодлик армияси Урумчига қирди ва Или ҳукуматининг Сайфиддин Азизий бошлик раҳбарлари ўзларини Хитой компартияси ва ҳукуматининг раҳбарлигини қабул қилганликларини эълон қилишди.

Тарихий манбаларга кўра, Шаркий Туркистон Жумхурият ҳукумати буйруқ чиқариб, ҳар йили 12 ноябрни давлат ва инқилоб байрами қилиб тайин қилинди. Уйгур халқи яқин замонгача бўлган тарихида ўз жумхурият байроғи остида мустақил ўзини идора қилиб, 12 ноябр байрамини беш йил орасида хотирлашга мувофиқ бўлди. Бироқ 1949 йили октябр ойининг ўрталарига келганда беш йилдан кўпроқ вақтда ой юлдузлик давлат байроғи олиб ташланди ҳамда декабр охирида қаҳрамон миллий армия Хитой озодлик армиясининг 5-корпуси қилиб ўзгартирилди ва кўп ўтмай бутунлай тарқатиб юборилди.

1933 йили Қашгарда қурилган Шаркий Туркистон Жумхуриятига бу йил 78 йил, 1944 йили Гулжада қурилган биринчи жумхуриятининг вориси бўлган иккинчи Шаркий Туркистон жумхуриятига эса 67 йил тўлади. Йиллар ўтди, авлодлар алмашди ва янгиланди. Ботирлар ўз орзу армонларини кейингиларга мерос қолдириб, бу дунё билан кўзлари очик ҳолда видолашди.

20 асрнинг биринчи ярми уйғурлар учун жанговар, мардона, шод-хуррамлик ва фожияли мусибатлар билан тўлган унутилмас босқич бўлди. Унинг галабалари уйғурларни келажакка умидлантурса, мағлубиятлари уйғурларнинг маҳзунлигига сабаб бўлди. Йиллар ўтиши ва уйғурларнинг бу тарихий воқеаларни унутишларига қарамай, янги авлод 12 ноябр воқеаларини унутмаётгани, соғинаётгани ҳамда аجدодлари босган йўللарга ҳурмат ва ҳавас қилиш туйғуларининг янгилаётганлиги, шунингдек аста қучаётганлиги маълум бўлиб бормоқда. Нилки, Харамбоғ, Шихо, Жинг ва Оксу уруш майдонларида келган қаҳрамонлик ҳикоялари унутилиб кетилмасдан, аксинча бу ҳикояларнинг янги авлодга қучли миллий рух ва қуч-қувват ато қилаётганлиги равшан. Ярим асрдан ортиқ вақт ўтгандан кейинги бу кунларда мазкур “икки жумхурият” аталган уйғурларнинг сиёсий, иқтисодий, маданият ва миллий ҳуррияти катта аҳамиятга эгадир.

Уйғур тилидан Абу Муслим таржима қилди





Кўшимча маълумотлар:

[Икки Туркистон гурури](#) [\(Алихонтўра Согуний хакларида\)](#)